

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДЖАНОВ САРВАР УЛУҒБЕКОВИЧ

ЇОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СИГНАЛЛАРГА
РАҚАМЛИ ИШЛОВ БЕРИШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ
МАЖМУАСИ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Махмуджанов Сарвар Улуғбекович IoT технологияларига йўналтирилган сигналларга рақамли ишлов бериш алгоритмлари ва дастурий мажмуаси	3
Махмуджанов Сарвар Улуғбекович Алгоритмы и программный комплекс цифровой обработки сигналов ориентированный на технологии IoT	21
Makhmudjanov Sarvar Ulugbekovich Algorithms and software complex for digital signal processing oriented IoT technologies	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДЖАНОВ САРВАР УЛУҒБЕКОВИЧ

ЇОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СИГНАЛЛАРГА
РАҚАМЛИ ИШЛОВ БЕРИШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ
МАЖМУАСИ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/T2216 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Зайнидинов Ҳакимжон Насиридинович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мухамедиева Дилноз Тулкуновна**
техника фанлари доктори, профессор

Рахимов Бахтияр Саидович
техника фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**


Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» июл да соат 09⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0214 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2021 йил «02» июл куни тарқатилди.
(2021 йил «01» июл даги 25 рақамли реестр баённомаси).




Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлар доктори, профессор


Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлар доктори, доцент


М.А.Рахматуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, техника фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, сўнги йилларда сигналларни рақамли ишлаш алгоритмларини такомиллаштириш ва уларни амалга оширишга мўлжалланган аппарат воситаларнинг ривожланишига бағишланган илмий ишлар салмоғи ўсиб бормоқда. Реал вақт режимида сигналларга рақамли ишлов беришнинг замонавий усуллари кўп жиҳатдан алгоритмик ва аппарат воситаларнинг самарадорлиги билан боғлиқдир. Айниқса, жамиятдаги турли соҳаларда, хусусан, тиббиётда фойдаланилаётган ахборот тизимлари ва уларнинг дастурий таъминотларини яратишда, уларга хизмат қилувчи самарали ҳисоблаш структураларни ишлаб чиқиш муаммолари, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон каби мамлакатларда долзарб ҳисобланади.

Дунёда беморлар саломатлигини масофадан мониторинг қилиш орқали ошқозон ичак йўли касалликларини даволаш самарадорлигини ошириш мумкин. Мониторинг қилиш қилиш учун гастроэнтерологик сигнални инсон танасидан ноинвазив усулда қайд қилиш, ушбу сигнал паст частотатли сигнал бўлганлиги сабабли кучайтириш ҳамда филтрлаш, шунингдек сигналга реал вақт режимида сплайн-вейвлет усуллари асосида рақамли ишлов бериш, IoT технологиясидан фойдаланиб, гастро-сигналларга масофадан мурожаат қилиш ва сигнал частотасини белгиланган ораликқа келтирган ҳолда касалликни аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш лозим бўлади. Юқори даражадаги аниқликларга эришиш учун гастроэнтерологик сигналларга рақамли ишлов беришда юқори самара берувчи математик аппаратларни қўллаш керак. Бундай масалаларни ечишда сплайн-функция ва улардан ҳосил қилинган сплайн-вейвлетлар хоссаларини тадқиқ қилиш, амалий масалаларни ечишда қўллаш мумкин бўлган алгоритмларни такомиллаштириш лозим бўлади.

Республикамизда ахборот-коммуникация технологиялари, сигналларни рақамли ишлаш воситаларини яратиш, мавжуд воситаларни такомиллаштириш асосида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, хусусан тиббиёт соҳасидаги хизматлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация

технологияларини жорий этиш» вазифалари белгиланган¹. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, хусусан гастроэнтрология соҳаси ахборот тизимларига интеллектуал таҳлил модулларини қўллаган ҳолда шифокорларнинг иш фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ноинвазив усулларни қўллаш ва масофадан таҳлил олиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 30 июньдаги ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сон «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги ВМ-48-сонли Қарорида келтирилган масофадан ташхислаш, уй шароитида тиббиёт хизматларини тақдим этиш, тиббиёт бўйича билимлар базаси, шошилиш тиббиёт хизматини рақамлаштириш, телетиббиёт, био-тиббиёт ва биотехнологиялар йўналишларини комплекс ривожлантириш каби вазифалари амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Сигналларни таҳлил қилиш ва тиклаш, жумладан биомедицина, геофизик ва сейсмик сигналларни сплайн функциялар, вейвлет усуллар ва уларнинг хусусиятлари ва техник иловаларда қўллаш имкониятларини ўрганиш масалалари бўйича дунёда Ю.С.Завялов, К.Чуи, И.Добеши, В.А.Василенко, С.Ф.Свиньин, С.Б.Стечкин, Ю.Н.Субботин, В.Л.Мирошниченко, А.И.Гребенников, Б.И.Красов, О.Зенкевич, Дж.Фикс, К.Де Бор, Г.Стренг каби олимлар, ҳамда Ўзбекистонда А.Имамов, М.Исроилов, Х.Шодиметов, М.М.Мусаев, Х.Н.Зайнидинов, У.Р.Хамдамов ва бошқа олимларнинг ишларида ривожлантирилган.

Дунё миқёсида IoT технологиясини ривожлантириш учун миллиардлаб маблағлар сарфламоқда, жумладан К.Аштон, Дж.Ромки, Д.Сингх ва бошқа олимлар томонидан IoT технологияларини такомиллаштириш ва тадбиқ қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, IoT технологиялари асосида гастроэнтрологик сигналларга ишлов бериш алгоритмлари, беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, қисқа вақтда касалликни аниқлаш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ташхислаш дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаганлигини ва долзарб муаммолигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети №Ф4-021 «Бўлак-полиномиал базисларда товушни қайта ишлаш ва тиклаш интеллектуал-дастурий техник тизимларини яратишнинг назарий методологик-асослари» (2012-2016), №А-5-058 «Бўлак –полиномиал базисларда биомедицина ахборотларини рақамли ишлаш воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш» (2015-2017) ва №БВ-Атех-2018-249 «Биометрик сигналларга рақамли ишлов беришни самарали усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кубик, бикубик ва сплайн-вейвлетлар усуллари ёрдамида сигналларни рақамли ишлаш алгоритмлари, ҳисоблаш структуралари ва IoT технологияларига йўнатирилган дастурий мажмуа ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сплайн-усуллар ва уларни амалга оширишда ишлатиладиган аппарат воситаларни тадқиқ қилиш натижасида ажратиб олинган сигналлар синфига мўлжалланган кубик сплайнлар ва IoT технологиялари ёрдамида интеграцияланган структура ишлаб чиқиш;

паст частотали гастрозентрологик сигналларни сплайн-вейвлетлар ёрдамида тиклаш алгоритми ишлаб чиқиш;

бир ва икки ўлчовли сигналларни сплайн ва сплайн-вейвлетларга ёйиш йўли билан сигналларни керакли аниқликда тиклайдиган, дискретлаш частотасини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқиш;

сплайн-усуллар назарияси билан жадвал алгоритмик усуллар имкониятларини бирлаштириш орқали сигналларни рақамли ишлашда қўлланиладиган IoT технологияларга йўналтирилган структуралар ва визуаллаштириш дастурий мажмуаси яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кубик, бикубик сплайнлар ва сплайн -вейвлетлар, IoT технологияларига йўналтирилган сигналларга рақамли ишлов бериш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети IoT технологиялари ёрдамида сигналларга кубик ва бикубик сплайнлар ёрдамида рақамли ишлов бериш усуллари, кубик сплайнларни ҳисоблаш структураси ҳамда сигналларга рақамли ишлов бериш алгоритмлари, интеграция жараёнлари ва дастурий мажмуаси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари ўтказилган тадқиқотларнинг назарий асосларини функционал анализ назарияси, сплайн-функциялар, вейвлетлар ва моделлаштириш назариялари, IoT технологиялари шунингдек, дастурларнинг ўзаро интеграция ва визуаллаштириш жараёнлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

сплайн-усуллар ва уларни амалга оширишда ишлатиладиган аппарат воситаларни тадқиқ қилиш натижасида ажратиб олинган сигналлар синфига мўлжалланган кубик сплайнлар ва IoT технологиялари ёрдамида дастурий воситаларнинг интеграцияланган структураси ишлаб чиқилган;

паст частотали гастроэнтерологик сигналларни сплайн-вейвлетлар ёрдамида тиклаш алгоритми ишлаб чиқилган;

бир ва икки ўлчовли сигналларни сплайн ва сплайн-вейвлетларга ёйиш йўли орқали сигналларни керакли аниқликда тиклайдиган, дискретлаш частотасини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

сплайн-усуллар назарияси билан жадвал алгоритмик усуллар имкониятларини бирлаштириш асосида сигналларни рақамли ишлашда қўлланиладиган IoT технологияларга йўналтирилган структуралар ва визуаллаштириш дастурий мажмуаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

икки ўлчовли геофизик майдонларда оптимал қадамларни аниқлаш ва экспериментал олинган сигналларнинг энергиясини ҳисобловчи дастурий восита яратилди;

IoT технологиялар асосида сплайн – вейвлет усулларини қўллаш орқали гастроэнтерологик сигналларга реал вақт режимда рақамли ишлов бериш ва уларнинг спектрини ҳисоблаш орқали ташхис қўювчи дастурий восита яратилди;

базис сплайн функциялари орқали сигналларга рақамли ишлов беришнинг самарали ҳисоблаш структураси ишлаб чиқилди ва шунга асосланган ҳолда дастурий восита яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги IoT технологияларини ташкил этиш қоидалари, сплайн функциялари ва сплайн-вейвлет усулларининг аниқлиги, ошқозон ичак йўли органларидан чиқувчи сигнал чегараларининг аниқ частотага эгаллиги, олинган натижаларни аниқ ечимлар билан солиштирилганлиги ҳамда ўтказилган тажрибалар орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сигналларни рақамли ишлашда самарали структура ва алгоритмлар ишлаб чиқиш учун назарий ва услубий асослар, рақамли ишлашнинг техник тизимларини қийин формаллаштириладиган ахборот тизимларида қарорларни қабул қилишни услубиятлари билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти IoT технологияларини қўллаган ҳолда биомедицина сигналларига рақамли ишлов бериш учун самарали структура, алгоритмлар ишлаб чиқилган ва улар асосида яратилган дастурий восита гастроэнтерологик сигналларга рақамли ишлов бериш сифатини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши кубик, бикубик сплайнлар, сплайн-вейвлетлар ёрдамида сигналларга рақамли ишлов берувчи алгоритмлар, самарали структуралар ишлаб чиқиш ва уларнинг дастурий воситалари ёрдамида олинган илмий янгиликлар асосида:

сплайн-усуллар ёрдамида маълумотларни рақамли ишлаш ва силлиқлаш алгоритми асосида яратилган дастурий восита Геология фанлари университети Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти Давлат муассасасига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотнома №33-8/1420-сон, 25.02.2021 й.). Натижада, геофизик тадқиқотлар самарасини, олинган натижаларнинг информативлиги, аниқлиги ва ишончлилигини оширди ҳамда хатоликларни камайтирилишига олиб келган: ҳисоблашга кетадиган вақт 35%га ва хатолик 18-22%га камайтиришига, меҳнат унумдорлиги эса 25%га ошишига олиб келди;

IoT технологиясига асосланган ҳолда сплайн-вейвлет усуллари орқали ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий восита Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий-амалиёт марказининг Андижон филиалига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини Ривожлантириш вазирлиги маълумотномаси №33-8/1420-сон, 25.02.2021 й.). Натижада, тиббиёт институтидаги фойдаланиб келинаётган ананавий услуга нисбатан хатоликлар 6-10%га камайтиди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 7 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 та чет эл ва 2 та Республика журналларида нашр этилган, шунингдек 3 та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишига мослиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асослаб берилган, олинган натижалар назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши рўйхати, ишни синаш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сигналларга рақамли ишлов беришда сплайн усуллари кўлланилиши» деб номланган биринчи бобида сигналларни

рақамли ишлаш таҳлили, кубик ва бикубик базис сплайнлар, сплайн-вейвлетлар ва уларни қўлланилиш соҳалари, IoT архитектураси ва уни қўлланилиш соҳаларини ҳаётимизга тадбиқ этиш, сигналларни рақамли ишлашда қўлланилиш мавжуд муаммоларнинг таҳлили келтирилган. Сплайн-вейвлетлар ва уларнинг асосий кўрсаткичлари ўрганиб чиқилган. Икки ўлчовли сплайнни қуриш жараёнида унинг бир ўлчовли сплайнларнинг тензор кўпайтмаси орқали ҳисобланиши келтирилган. Сигналларга рақамли ишлов беришда сплайн - вейвлетлар ва уларнинг асосий хусусиятларини классификацияси келтирилган.

Функцияларни ва тажрибадан олинган маълумотларни кубик базис сплайнлар (1) ёрдамида аппроксимация қилиш усуллари қуйидаги ҳолатларда жуда яхши самара бериши: катта ҳажмдаги (кўп тугун нуқталарга эга) сигналларни аппроксимация қилиш; турғун ва аниқ ҳолатга эга бўлмаган (биомедицина сигналлар) сигналларга рақамли ишлов беришда.

$$f(x) \cong S_m(x) = \sum_{i=-1}^{m+1} b_i \cdot B_i(x), \quad a \leq x \leq b \quad (1)$$

Ҳар бир аргумент бўйича m га тенг даражадаги кўп ўлчовли полиномиал B -сплайнлар бир ўлчовли B -сплайнларнинг тензор кўпайтмаси орқали аниқланади:

$$B(x,y) = B(x) \otimes B(y)$$

Хусусан икки ўлчовли m даражадаги $S_m(x,y)$ сплайн ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$S_m(x,y) = \sum_{i=-1}^{m+1} \sum_{j=-1}^{m+1} b_{i,j} B_{m,i}(x) B_{m,j}(y)$$

Сигналларга рақамли ишлов беришда ҳозирги кунда кенг миқёсда ривожланаётган вейвлет усулларида фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Бунда, гастроэнтролигик сигналларга рақамли ишлов беришда энг яхши усул сифатида сплайн-вейвлет усули танлаб олинди. Сплайн-вейвлетлар бу базис сплайнларни силжитишларнинг умумий назариясидаги алоҳида тури ҳисобланади. Уларнинг қурилиши асосий ечимнинг функционал бўшлиқларини белгилашдан бошланади (полиномиал сплайнлар). Шунингдек сплайн-вейвлетларга сплайннинг энг яхши хусусиятлари мерос сифатида ўтади ва вейвлетларнинг ҳам энг яхши хусусиятларини ўзида сақлаб қолади. Сплайн-вейвлетлари қуйидагича аниқ тавсифланиши мумкин: аксарият ҳолатлардан фарқли ўлароқ, масштаблаш имконияти икки ўлчовли сигналларда кўпроқ имкониятга эга. Бу ҳолат геофизик сигналларни қайта ишлашда жуда қўл келади.

Қачонки ($y(x)$ ва $j(x)$) синтез функциялари n даражали полиномиал сплайн бўлганида сплайн-вейвлет ўзгартиришларни бажариш мумкин. Бу шуни англатадики, вейвлет синтези B -сплайннинг бўлаклари билан ифодаланади.

$$\psi(x/2) = \sum_{k \in \mathbb{Z}} w(k) \varphi^n(x-k).$$

Сигналларга рақамли ишлов беришда экспериментал маълумотларни олиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, шундан келиб чиқиб тадқиқот ишида реал вақт тизимида гастроэнтрологик сигналларга рақамли ишлов беришда IoT технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

IoT (инг. *Internet of Things – Буюмлар интернет*) тушунчаси бу - атрофдаги бизни ўраб турган реал ва виртуал объектларни бирлаштирган ягона тармоқдир. Яъни, битта тармоқда физик объектлар (*ашёлар, қурилмалар, ускуналар*) инсон иштирокисиз ўзаро ёки ташқи муҳит билан қисман ва тўлиқ мулоқат қилиш имконини берувчи тушунча сифатида қаралади.

Умуман олганда, ахборот-коммуникация нуқтаи назаридан IoT тушунчасини қуйидаги формула орқали ифодаланади:

IoT = сенсорлар (датчик) + маълумотлар + тармоқ + хизмат.

Бу технологиянинг кўп соҳаларда инновацион ечимларни олиш имкониятлари таҳлил қилинди. IoT архитектураси, қўлланилиш соҳалари, хусусиятлари, тиббиёт соҳасига тадбиқи, келажакдаги муаммолари ва иловаларга тадбиқи келтирилди.

Диссертациянинг «**Сигналларга рақамли ишлов беришда коэффицентларни ҳисоблаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида сигналларни рақамли ишлашнинг ҳисоблаш структуралари ва алгоритмлари, сплайн коэффицентларини ҳисоблаш алгоритмлари, сплайн–вейвлетлар учун коэффицентларни ҳисоблашнинг сплайнда қўлланиладиган нуқтали формулалардан фойдаланиш усуллари келтирилган. Тажрибадан олинган гастроэнтрологик сигналларга кубик сплайнлар ёрдамида рақамли ишлов бериш усуллар ва улардан олинган натижалар келтирилган.

Коэффицентларни ҳисоблашнинг локал формулалари кўп ўлчовли аппроксимация ҳоли учун ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, Δx ва Δy тенг тўрлардаги бикубик сплайн учун уч нуқтали формулалар бир ўлчовли сплайнлар формуласи асосида олиниши мумкин.

Натижалар шуни кўрсатадики, коэффицентлар $b_i = b(f(x))$ туридаги формулалар бўйича ҳисоблаш ёрдамида олинади. Ҳисоблаш операциялари кўламини ва паралеллаштириш ва буйруқ конвейрларини ташкил қилиш имкониятларини баҳолаш учун ушбу формулаларни тайёрланган шаклда кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Қуйидаги формулани уч нуқтали формулалар деб атаймиз. Кубик сплайн учун уч нуқтали формула қуйидагича ифодаланади:

$$b_i = \frac{1}{8}(-f_{i-1} + 10f_i - f_{i+1}).$$

Реал вақт режимида ишлайдиган тизимлар учун "Нуқтали" формулалари бўйича коэффицентларни ҳисоблаш усули таклиф қилинган, В-сплайнлар эса кўп функцияли, тригонометрик, экспоненциал ва бошқа қаторлардан


фаркли равишда жадвал функциялар сифатида ишлатиш мумкин. Бу имконият IoT технология учун жуда қўл келади.

Коэффициентларни ҳисоблашнинг локал формулалари кўп ўлчовли аппроксимация ҳоли учун ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда бир ўлчов сигнал учун фойдаланиладиган “Нуқтали” формулаларни матрица кўриниша тасаввур қилиб уни олдин қатор, кейин устун кўринишида ҳисобланса керакли натижага эришилади.

Шундай қилиб, бир ўлчовли сплайнларнинг локал хоссалари кўп ўлчовли сплайнлар учун тўла ёйилади. Апроксимациянинг бир хил қадамида икки ўлчовли сплайн иккита бир ўлчовли сплайн кўринишида ифодаланади.


Кубик В-сплайннинг сплайн-вейвлет кўриниши қуйидагича ифодаланади:

$$B_3(x) = \frac{1}{8}B_3(2x) + \frac{1}{2}B_3(2x-1) + \frac{3}{4}B_3(2x-2) + \frac{1}{2}B_3(2x-3) + \frac{1}{8}B_3(2x-4)$$



1- расм. Кубик базис сплайн ва сплайн-вейвлетларнинг графиги

Сплайн-вейвлетлардан фойдаланиб, паст частотали биомедицина сигнални тиклаш амалга оширилди. Агар сийрак $h=2$ (64 отсчёт) га тенг кадамда саноклар орасидаги спектр коэффициентларининг энергия қийматини ҳисобласак, унда у $E_c = 136.375$ га тенг бўлди. Бу сон ўзи орқали тўлиқ энергиядан $\epsilon=0.57\%$ миқдорда оғишини кўрсатади. Анча қисқа $h=1$ (128 отсчёт) кадамда $E_c = 136.887$ миқдорга эга бўламиз. У $\epsilon=0.19\%$ оғишга мос келади. Ҳисоблашлар натижаси шуни кўрсатадики, b -коэффициентлар тўпламининг спектрал энергиясининг ва сигналнинг тўлиқ энергиясига асимптотик яқинлашиши аниқланди.



2- расм. Гастроэнтрологик сигналнинг спектр энергиясидан фойдаланган ҳолда оптимал қадамни аниқлаш алгоритми

1 - жадвалда учинчи даражали полиномлар ва кубик базис сплайнлар имкониятларини солиштириш натижаси келтирилган.

1- жадвал.

Учинчи даражали полиномлар ва кубик базисли сплайнлар имкониятларини солиштириш натижалари

Кўрсаткичлар	Учинчи даражали полиномлар	Учинчи даражали базис сплайнлар	Полиномларга нисбатан базисли сплайнлар
Командалар сони	7	4	2,33 марта кам
Яхлитлаш хатолиги	$\varepsilon \leq 25 \cdot 2^{-l}$	$\varepsilon \leq 18 \cdot 2^{-l}$	1,39 марта кам
Яқинлашишнинг услубий хатолиги	$\varepsilon \leq \frac{3}{128} \max f^{IV}(x) \cdot h^4$	$\varepsilon \leq \frac{5}{384} \max f^{IV}(x) \cdot h^4$	1,80 марта кам
Коэффициентларни ҳисоблаш алгоритми	Тенгламалар тизимини ечиш талаб этилади	Тенгламалар тизимини ечиш талаб этилмайди	Тенгламалар тизимини ечиш талаб этилмайди

Диссертациянинг «**Жадвал-алгоритмик ва IoT технологияларини қўллаб ишлаб чиқилган алгоритм, структуралар ва уларнинг қўлланилиши**» деб номланган учинчи бобида биомедицина сигналларга ишлов беришда ишлатиладиган самарали жадвал - алгоритмик ҳисоблаш структураси, сплайн - вейвлетлар асосида яратилган алгоритмни икки ўлчовли сигналларни рақамли ишлашда қўлланилиши, IoT технологиялари асосида гастроэнтерологик сигналларга рақамли ишлов бериш тизимининг структура ва алгоритмлари ва трендларни олиб ташлаш ва филтрлаш алгоритмлари кўриб чиқилган.

Интерполяцияланган функциянинг қиймати доимий коэффицентларнинг фақатгина $m+1$ базис функциянинг жуфт қийматлари ёрдамида аниқланади. Масалан, кубик В-сплайн 4та базис сплайн қийматлари йиғиндисини талаб қилади.

Функциянинг қиймати қуйидаги формула бўйча ҳисобланади:

$$f(x) \cong S_3(x) = b_{-1}B_{-1}(x) + b_0B_0(x) + b_1B_1(x) + b_2B_2(x),$$


агар $x \in [0,1]$ бўлганда

ушбу интервалнинг қолган қисмларидаги базис сплайнлар нолга тенг бўлганлиги туфайли суммани ҳосил қилишда қатнашмайди.


Кубик базис сплайнлар асосида функция қийматларни аппроксимациялашни амалга ошириш учун жадвал-алгоритмли ҳисоблаш структураси мавжуд. Структуранинг асосий афзаллиги, жадвал-алгоритмик усуллар учун амалда энг юқори тезкорлик ҳисобланади.

Экспериментал маълумотларни базис сплайнлар ёрдамида аппроксимациялашда ҳисоблашларни реал вақт режимида тезкор амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Базис сплайнларни симметрик қийматларини бир хил эканлиги базис сплайнлар қийматларини хотирада сақлаш ҳажмини тежаш ва сигнал қийматларини аппроксимациялаш вақтини камайтириш имконини беради.

Ушбу усулдан фойдаланиш параллел ҳисоблашларни амалга ошириш учун ҳам самаралидир.



3а- расм. Кубик базис сплайнлар ёрдамида аппроксимациялашни амалга ошириш учун мавжуд ҳисоблаш структураси



3б- расм. Кубик базис сплайнлар ёрдамида аппроксимациялашни амалга ошириш учун таклиф этилаётган самарали ҳисоблаш структураси

Ушбу янги усул ёрдамида хотирадан фойдаланиш икки баравар камайганлиги исботланди. Аммо ҳисоблаш тезлиги ва аниқлиги бу ҳолатда ўзгаришсиз қолди (3б-расм).

Агар уларни икки ўлчовли сигналлар учун қўллайдиган бўлсак, олдин икки баравар хотира ҳажми тежалган бўлса энди шу тўрт бараварга ошади.

Бу катта миқдордаги ҳисоб китоблар учун жуда қўл келади.

В-сплайнлар ўзининг ички дискрет тугунлар сеткасига эга бўладиган базис функцияларнинг табиий тизимини ҳосил қилади. $\omega_c = \pi/h$ нуллари В-сплайнлар кетма-кетлигининг $F_m(\omega)$ спектрал зичлик нуллари бўлиши мумкин, уларнинг ҳар бири базиснинг қўшни элементига нисбатан h қадам ўлчамига силжиган.

$F(\omega)$ кетма-кетлигининг спектрал зичлигини модули учун формула қўйидаги кўринишни қабул қилади:

$$F(\omega) = \left| F_{B_0}(\omega) \left| \sum_{i=-m}^{n+m} b_i \exp(-ji\omega h) \right| \right|,$$

бунда B_0 – дастлабки В-сплайн, яъни «0» индексига эга, b_i – В-сплайнлар бўйича функциянинг ажралиш коэффицентлари, j – мавҳум бирлик.

2-жадвал.

Сплайн-вейвлетлар асосида сигнал спектрал энергиясини ҳисоблаш орқали оптимал қадамни аниқлаш натижаси

Х ўқи бўйича қадами	У ўқи бўйича қадами	(2) формула бўйича қадамлар йиғиндиси спектрининг энергияси қиймати	Умумий энергия ва қадамлар спектрининг энергияси ўртасидаги фарқ
$h_x = 0.8 \text{ km}$	$h_y = 0.8 \text{ km}$	$1.42320011 \cdot 10^3$	$0.07104 \cdot 10^3$
$h_x = 0.4 \text{ km}$	$h_y = 0.4 \text{ km}$	$1.4477530 \cdot 10^3$	$0.04649 \cdot 10^3$
$h_x = 0.2 \text{ km}$	$h_y = 0.2 \text{ km}$	$1.4692972 \cdot 10^3$	$0.02494 \cdot 10^3$


Майдон ўлчамлари бўйича чекланган ва унинг энергияси (фазовий ёки спектрал) чекли эканлигини ҳисобга олган ҳолда, майдоннинг ажратилган қисмининг спектрал энергияси баҳоланади. Демак, спектрал зичлик квадратни интеграллаш чегаралари чекли бўлиши керак.

$$P_\omega = \frac{1}{\pi^2} \int_0^{\pi/h_x} \int_0^{\pi/h_y} |F_{\Sigma B}(\omega_x, \omega_y)|^2 d\omega_x d\omega_y. \quad (2)$$

Сплайн-вейвлетлар асосида икки ўлчовли геофизик сигналларни рақамли ишлаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган алгоритм асосида икки ўлчовли геофизик майдонларга қўллаш орқали оптимал интервал орқали масофани аниқлаш имконини берди. Ишлаб чиқилган ушбу дастур "Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти" давлат муассасасига тадбиқ этилган. Тадбиқ этилиши геофизик тадқиқотлар самарасини, олинган натижаларнинг информативлиги, аниқлиги ва ишончлилигини оширди ҳамда хатоликларни камайтирилишига олиб келди: ҳисоблашга кетадиган вақт 35% га ва хатолик 18-22% га камайди, меҳнат унумдорлиги 25% га ошди берилган ўлчамдаги майдон учун танлашлар сони саккиз баробарга қисқарди.

Шунингдек тадқиқотлар доирасида IoT технологиялари асосида гастроэнтерологик сигналларга рақамли ишлов бериш тизимининг структура ва алгоритмлари ҳам ишлаб чиқилган.



4- расм. IoTга асосланган мониторинг тизими структураси

Тизимнинг умумий тузулиши 4- расмда келтирилган. У асосан учта модулдан иборат: Беморнинг клиник белгиларини олиш ва қайта ишлаш модули, мобил компьютерда тиббий сақлаш ва сервер компьютердаги тиббий назорат бўлими. Бу жараён IoT архитектурасига асосан ишлаб чиқилган. Микроконтроллер (махсус ишлаб чиқилган қурилма) сенсор кириш сигналларини кондицер палласида учта киришдан олади ва уларни реал вақт режимида Bluetooth технологиясига асосланган ҳолатда ноутбукга узатади. Маълумотлар Bluetooth модули орқали ноутбукга узатилгандан кейин, интернет тармоғи орқали касалхонага (яъни серверга) юборилади.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида яратилган дастурий мажмуанинг умумий структураси» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган дастурий мажмуанинг умумий структураси, базис функциялардан фойдаланган ҳолда гастроэнтрологик сигналларга рақамли ишлов бериш алгоритмлари ва дастури, IoT асосида экспериментал маълумотларни олиш аппарат – дастурий воситаси ва алгоритмларини ишлаб чиқиш келтирилган.

3-жадвал.

Гастроэнтрологик сигналларни частота бўйича тақсимланиши


№	Органлар	Частота оралиғи
1	Йўғон ичак	0,01-0,03 Гц
2	Ошқозон	0,03-0,07 Гц
3	Ингичка ичак	0,07-0,13 Гц
4	Ўн икки бармоқли ичак	0,13-0,18 Гц
	Баригастрия Тахигастрия	10 – 15 % Минимумдан кичик Максимумдан катта

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инсон танасидаги турли хил органларган турли хил диапазондаги сигнал чиқиши аниқланди. Техниканинг ноинвазив бўлган хусусияти тадқиқотда ҳам, клиник шароитда ҳам муҳим воситага айлантиради. Бугунги кунга қадар EGG ошқозон-ичак функцияси ўзгариши билан боғлиқ бўлган турли хил касалликларни ўрганиш учун ишлатилган. Ошқозон миёэлектрик фаолиятининг асосий таркибий қисмига ошқозон секин тўлқини ёки асосий электр ритми (АЭР) дейилади.


Бу доимий паст частотали тўлқин синусоидалдир ва одатда унинг паст частотаси ва паст амплитуда ($100 \mu V$ дан $500 \mu V$ гача) билан белгиланади. EGG-нинг доминант частотаси соғлом одамларда 0,05 Гц ёки дақиқада 3 циклга тенг бўлади.

Экспериментал маълумотларни қабул қилиб олишда муаммолар мавжуд. Сабаби узатилган EGG сигнал оддий частота (яъни Гц) кўринишида келмайди. Балки уни қурилма бинар кўринишда узатади. Шунингдек узатилган электр сигнал “-” қийматга эга бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, сигнални ўқиб олиш ва уни рақамли қайта ишлаш учун мослаш керак бўлади. Мослаш учун ўқиб олишнинг 5- расмдаги алгоритми ишлаб чиқилган.

Биомедицина сигналларига рақамли ишлов беришда сплайн функцияларидан фойдаланиш энг яхши усуллардан бири ҳисобланади. Яъни тадқиқот сифатида гастроэнтрологик сигнални оладиган бўлсак, сигналнинг математик моделини қуришда сплайн усуллардан фойдаланиш яхши натижа берди. Шунингдек, сигнални силлиқлаш, қайта тиклаш ва сигналнинг аномал нуқталарини аниқлаш мумкин бўлади. Гастроэнтрологик сигналларнинг аномал нуқталарини аниқлаш орқали унга бирламчи ташхис қўйиш имкони пайдо бўлади, албатта бу ҳолат маълум бир шартлар асосида бажарилади.




5-расм. Мобил қурилмадан Bluetooth орқали келган маълумотларни ўқиб олиш алгоритми



6-расм. Тадқиқот ишидаги дастурий мажмуанинг умумий структураси

Ишлаб чиқилган дастурий мажмуа, аппарат-бошқарув қисмга эга. Маълумотлар сериал кўринишида компьютерга узатилади, яъни реал вақт давомида тўхтовсиз ахборот компьютердаги дастурга узатилади. Компьютер маълумотларни қабул қилиш учун СОМ портдан фойдаланади. Дастур маълумот қабул қилишни бошлаш учун махсус созуламаларни амалга ошириш керак. Жараёнларни амалга оширгандан кейин, ишлаб чиқилган махсус “Smart health” дастур орқали улаш ҳосил қилинади ва реал вақт режимда маълумот узатиш амалга оширилади.



7- расм. Реал вақт режимда олинган гастроэнтрологик сигнал графиги тасвирланган дастур ойнаси

IoT асосида экспериментал маълумотларни олиш ва визуллаштириш дастури яратилди. Дастур аппаратдан яъни СОМ портдан келаётган сериал маълумотларни ўқий бошлайди ва реал вақт режимда керакли ташхисларни амалга ошириш учун график кўринишда тасвирланиб боради. Эксперимент сифатида инсон танасидан олинган гастроэнтрологик сигнал кўриниши 7-расмда келтирилган.

Ишлаб чиқилган ушбу дастур Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий-амалиёт марказининг Андижон филиалида синовдан ўтказилди. Синов натижасида ҳисоботларни тайёрлаш вақти қисқартирилганлиги, ҳисоб-китобларнинг аниқлиги ва олинган натижаларнинг ишончилиги оширилганлиги аниқланди: ҳисоб-китоб вақти 60 фоизга камайди; қайта ишлаш натижаларини ҳужжатлаштириш вақти 20% қисқартирилди; меҳнат унумдорлиги 30-35% ўсди; хато 6-10%га камаяди; олинган натижаларнинг аниқлиги ошди.

Олинган тест натижалари гастроэнтрологик сигналларни рақамли қайта ишлаш учун дастурий мажмуани жорий этиш мақсадга мувофиқлигини

кўрсатди. Бунда айнан ноинвазив усулда ташхис қўйиш имкони бўлганлиги учун инвазив усулда таҳлил олинмайдиган берморлар учун жуда қўл келиши аниқланди. Масалан: ёш болалар, ҳомиладор аёллар ва қандли диабет касаллиги бор инсонлардир.

ХУЛОСА

«IoT технологияларига йўналтирилган сигналларга рақамли ишлов бериш алгоритмлари ва дастурий мажмуаси» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сигналларга рақамли ишлов беришнинг сплайн усуллар тадқиқ қилинди. Натижада сплайн усулларни яхши дифференциал хоссаларга эга эканлигини, аппроксимациялаш хатолигининг пастлиги ва сплайн параметрларини ҳисоблаш алгоритмининг соддалигини ҳисобга олиб, сигналларни рақамли ишлаш учун математик аппарат сифатида кубик ва бикубик базис сплайнлар танлаб олинди.

2. Сплайн-вейвлет усуллари тадқиқ қилинди. Сплайн-вейвлетлар базис сплайнларни силжитиш йўли билан қурилиши ва сплайн-вейвлетларга сплайнларнинг барча яхши томонлари мерос сифатида ўтиши аниқланди.

3. Сплайнлар коэффициентларни ҳисоблаш усуллари таҳлил этилиб, локал формулаларга асосланган усул бошқаларига нисбатан осон ва тез амалга оширилади, ҳамда тенгламалар системасини ечиш талаб қилинмайди. Бикубик сплайнларнинг коэффициентларини ҳисоблаш, бир ўлчовли локал формулалари орқали амалга оширилиши кўрсатилди. Бир хил қадамда икки ўлчовли сплайн иккита бир ўлчовли сплайн кўринишида ифодаланиши мумкинлиги исботланди.

4. Кубик базисли сплайнлар аппроксимациялаш хатоликлари баҳоланди. Классик полиномларга нисбатан базисли сплайнлар яхлитлаш хатолиги 1,39 марта, услубий хатолиги эса 1,80 марта камлиги, шунингдек кубик базисли сплайнлар коэффициентларини ҳисоблашда тенгламалар системасини ечиш талаб этилмаслиги кўрсатилди.

5. Кубик базисли сплайнлар асосида янги самарали жадвал-алгоритмик ҳисоблаш структура таклиф этилди. Таклиф этилган структура мавжуд структурага нисбатан хотира хажминини икки баробар камайтириш имконини берди.

6. IoT технологиялари асосида гастроэнтерологик сигналларни рақамли ишлаш тизими учун структура ва алгоритмлар ишлаб чиқилди.

7. Бир ўлчовли ва кўп ўлчовли сигналларни рақамли ишлаш жараёнларини моделлаштириш ва IoT технологиялари асосида яратилган тизимни бошқариш учун дастурий мажмуа яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

МАХМУДЖАНОВ САРВАР УЛУҒБЕКОВИЧ

**АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММНЫЙ КОМПЛЕКС ЦИФРОВОЙ
ОБРАБОТКИ СИГНАЛОВ ОРИЕНТИРОВАННЫЙ НА ТЕХНОЛОГИИ
IOT**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/T2216.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Зайнидинов Ҳакимжон Насиридинович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мухамедиева Дилноз Тулкуновна**
доктор технических наук, профессор

Рахимов Бахтияр Саидович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «15» июль 2021 г. в 09⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № D214). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «02» июль 2021 года.
(протокол рассылки № 25 от «01» июль 2021 г.).



Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по
Присуждению учёных степеней,
достор технических наук, профессор

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
достор технических наук, доцент

М.А.Рахматуллаев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, достор технических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в последние годы все больше появляются научные работы, посвященные совершенствованию алгоритмов цифровой обработки сигналов и развитию аппаратных средств, предназначенных также для их реализации. Современные методы цифровой обработки сигналов в режиме реального времени во многом связаны с эффективностью алгоритмических и аппаратных средств. В особенности, проблемы создания информационных систем и их программного обеспечения, применяемых в различных сферах, в частности, в медицине, а также разработки эффективных вычислительных структур являются актуальными в таких странах мира как США, Германия, Франция, Великобритания, Япония, Австралия, Южная Корея, Китай, Индия, Российская Федерация и Узбекистан.

Появилась возможность повысить эффективность лечения заболеваний желудочно-кишечного тракта посредством удаленного мониторинга здоровья пациентов. Для проведения мониторинга необходимо осуществить регистрацию гастроэнтерологических сигналов с датчиков на теле человека неинвазивными методами, усиление и фильтрацию данного сигнала из-за его низкой частотности, цифровую обработку сигнала в режиме реального времени на основе сплайн-вейвлет методов, а также разработать методы определения заболевания пользуясь IoT технологией удаленно обращаясь гастросигналам и приводя частоты сигнала в определенный интервал. Для достижения высокой точности следует применять математический аппарат, являющийся высокоэффективным при цифровой обработке гастроэнтерологических сигналов. Для решения таких задач следует исследовать свойства сплайн-функций и сплайн-вейвлетов, образованных от них, усовершенствовать алгоритмы, которые могут быть применены для решения практических задач.

В Республике особое внимание уделяется вопросам улучшения качества предоставляемых услуг, в частности, повышения качества медицинских услуг на основе информационно-коммуникационных технологий, разработки средств цифровой обработки сигналов, усовершенствования существующих средств. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены ряд задач, в частности «...дальнейшее реформирование сферы здравоохранения, прежде всего первичного звена, скорой и экстренной медицинской помощи, направленное на повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населения, формирование здорового образа жизни населения, укрепление материально-технической базы медицинских учреждений»¹. Реализация данных задач, в особенности, дальнейшее повышение эффективности деятельности врачей на основе

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

применения модулей интеллектуального анализа в информационных системах в области гастроэнтерологии, использования неинвазивных методов и удаленного анализа являются важными вопросами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 30 июня 2017 года №УП-5099 «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2018 года №ПП-3894 «О мерах по внедрению инновационной модели управления здравоохранением в Республике Узбекистан» и Постановлением Кабинета Министров от 18 января 2019 года №48, в частности, развитие таких направлений как удаленная диагностика, предоставление услуг медицинской помощи на дому, базы медицинских данных, цифровизация экстренных медицинских услуг, телемедицина, биомедицина и биотехнологии.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Вопросы анализа и восстановления сигналов, в частности, биомедицины, сплайн-функций геофизических и сейсмических сигналов, изучения вейвлет методов, их особенностей и возможностей применения данных методов в технических приложениях нашли в работах зарубежных ученых Ю.С.Завьялова, К.Чуи, И.Добеши, В.А.Василенко, С.Ф.Свиньина, С.Б.Стечкина, Ю.Н.Субботина, В.Л.Мирошниченко, А.И.Гребенникова, Б.И.Красова, О.Зенкевича, Дж.Фикса, К.де Бора, Г.Стренга, а также отечественных ученых, таких как А.Имамов, М.Исроилов, Х.Шодиметов, М.М.Мусаев, Х.Н.Зайнидинов, У.Р.Хамдамов и др.

Для развития технологий IoT в мире тратятся миллиарды, в частности, Кевин Аштон, Джон Ромки, Дхананжай Сингх и другие ученые ведут научные исследования по вопросам совершенствования и внедрения технологий IoT.

Изучение и анализ научной литературы свидетельствует о недостаточной изученности и актуальности разработки алгоритмов обработки гастроэнтерологических сигналов, оказания пациентам качественной медицинской помощи, своевременного выявления заболевания, программного комплекса диагностирования на основе технологий IoT.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского

